

ЯШНОБОД ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ
4 – СОҢ БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКА
БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ.

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАРГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

Танловда иштирок этиш истагида бўлганлар, талабгорлар лойиха смета хужжатлари, экспертиза хулосаси ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилиётган қурилиш объекти билан тўлиқ танишиб чиқиши, ўзининг проекти (чизмаси)ни тегишли давлат идораларидан тасдиқлатиши, танлов савдо иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари), танлов иштирокчилари фақатгина ташкилот раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс (ишончнома асосида) бўлиши лозим.

Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати, тижорат таклифи ҳамда офферта бўлиши лозим.

Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилиши шарт.

Корхона ҳисоб-рақамида шартнома суммасининг 30% миқдорда маблағ мавжуд бўлиши ҳамда корхонанинг шу даврга қадар бир йиллик пул маблағлари айланмаси тўғрисида банкдан маълумот.

Танлов савдо иштирокчининг молиявий ҳолати, охириги 3 йилдаги молиявий ҳисобот натижалари иловаси билан (Ф. №1 жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг ва Ф. №2 шакллари ҳақида) маълумот.

ДСИ дан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Малакали (касбий маҳоратга эга) ишчиларининг буйруқ асосида ишга олинганлиги тўғрисида маълумот ва буйруқдан кўчирма QR коди билан.

Пудратчининг техникалари мавжудлиги тўғрисида маълумот.

Танловда иштирок этувчи пудрат ташкилотлари шаффоф қурилиш корхоналари рейтинг ўрни ишончлик тоифаси В (рейтинг баҳоси “ВВ”) ўрта даражасидан паст бўлмаслиги лозим.

Тақдим этилган кафолат хатида белгиланган муддат ичида қилинган ишларидан камчиликлар аниқланса, пудратчи ташкилот ҳисобидан алмаштирилиши ва қайта таъмирлаб берилиши инobatга олиниши шарт.

Танлов қатнашчисининг пакетида талаб этилган хужжатлар бўлиши шарт.

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиблари амалдаги Қонунга ҳамда қўйилган талабларга мувофиқ ўтказилади.

Харид комиссияси раиси



А. А. Эшмурадов